

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ИНТЕРАКТИВ ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ КУРСЛАРНИНГ ЎРНИ

М. Усмонов

Жиззах давлат педагогика университети катта ўқитувчиси, PhD

This article touches upon the issues of creating interactive electronic training courses (EUC) based on information technology tools and the methodology of their application. The main purpose of using interactive e-learning courses is to improve the quality of education for students and students.

Keywords: *interactive, electronic textbooks, multimedia, information technology.*

Ҳозирги кунда Республикамизда фан ва таълим соҳасида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Таълим сифатини оширишга ҳукуратимиз томонидан ишлаб чиқилган, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Президентимиз И.А. Каримовнинг “Компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” тўғрисидаги фармони ва таълимга жиддий эътибор берилаётганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқув жараёни самарадорлигини оширишга интерактив электрон ўқув курсларини мультимедия технологиялари асосида яратилиши сабаб бўлмоқда. Шу сабабли замонавий интерактив электрон ўқув курсларга бўлган эҳтиёжларни ортиб бориши табиий ҳолдир.

Ҳозирги кунда узлуксиз таълим тизимида ўқитиш жараёни босқичма-босқич амалга ошириб борилмоқда. Бу эса ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Таълим тизимида таълим сифатини юксалтиришда ҳозирда давр талаби бўлиб ҳисобланаётган интерактив электрон ўқув курслар, масофали ўқитиш ва масофали таълим тизими алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда барча олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ўзлари ўқитадиган фанлари бўйича интерактив электрон ўқув курслар яратишмоқда. Яратилаётган бу интерактив электрон ўқув курслар электрон ўқув адабиётлари ўқув материалларини тушунтиришнинг енгиллиги, мавзуларнинг такрорий тушунтириш, компьютер технологиялари асосида ўтилаётган дарсларни ўзлаштириш даражасининг юқорилиги, айниқса мультимедиа интерактив электрон ўқув курслар мавзуларининг талаба онгига осон етиб келиши ва қизиқарли эканлиги билан эски тизимдаги оддий маъруза ўқишдан кескин фарқ қилади. Мультимедиа интерактив электрон ўқув курсларнинг “Виртуал стендлар” кўринишида дарсларда қўлланиши айниқса лаборатория ва амалий машғулот дарсларини юқори савияда олиб борилишини таъминламоқда. Бундай дарс ўтиш жараёнида ҳар бир мавзуга оид тасвирлар анимацияси яратилган бўлиб, улар маърузачи ўқитувчининг овози билан ифодаланган бўлади. Бундай тарздаги янги, замонавий дарсликларни таълим жараёнига тадбиқ этиш бир вақтнинг ўзида талабаларга кўриш, эшитиш, ўқиш,

чуқурроқ мулоҳаза юритиш ва лаборатория ишларини бир неча бор бажариб кўриш имконини беради.

Дарсларнинг бундай олиб борилиши эса иқтисодий жиҳатдан ҳам катта самарадорликка олиб келади. интерактив электрон ўқув курс талаба томонидан катта қизиқиш ва диққат билан тингланади ҳамда осон ўзлаштирилади. Бундай дарс ўтилиши жараёнида талабада фикрнинг чалғиши ва кераксиз нарсалар билан шуғулланиб ўтиришига имкон қолдирмайди.

Бугунги кунда яратилаётган интерактив электрон ўқув курсларнинг сифатини яхшилаш мақсадида қўйидаги тавсияларни бериш мумкин:

дастлаб ўрганувчининг психологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқув материални (шакли ва мазмуни) кўрсатишнинг турли вариантлари ишлаб чиқилади;

ўқув материалнинг электрон вариантини Word матнли муҳарририда ва ундан юқори версияли редакторларда тузиш керак. Чунки расмлар ва формулаларни ёзишда қулай воситалардан фойдаланиш мумкин;

материални қисм, бўлим ҳамда параграфларга ажратиш ҳамда бир минимал мантиқий қисм алоҳида файл сифатида ёзилган бўлиши керак. Ҳамма яратилган файлларни бир нечта ички каталоги бўлган битта каталогда сақлаш тавсия этилади. Материални қисмларга бўлишда ҳар бир файлнинг ҳажми шундай танланиши лозимки, бу файл Web браузер орқали ишга туширилганда унинг ҳажми 3-4 экранли бўлиши керак.

саҳифада ўқувчининг диққатини чалғитувчи кераксиз (матн ёки график шаклидаги) ахборот бўлмаслиги, экран фони монотонли бўлиши, лекин оқ бўлиши шарт эмас. Оқиш рангдаги фонларни ишлатиш мумкин. Бунда ҳарфларнинг ранги қора ёки қора кўкимтир рангларда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Қора рангли фон ва оқиш рангли шрифтни ишлатиш тавсия этилмайди, чунки бундай экран ўқувчининг кўзини тезда чарчатади;

тасвирларнинг зичлашган график форматларини, масалан GIF, JPG кабилар ишлатилса ўқув дастурининг умумий ҳажми анча камаяди;

видеофрагментларни яратишда компьютер видеомонтажи бўйича дастурий техникавий воситалар ишлатилади. Бунда монтажда керак бўладиган тасвир ва овозлар тўпламини олдиндан тайёрлаб олиш керак;

материалларни қабул қилишда фаол таъсир этувчи элементлардан бири бу овоздир. Овоз билан ишлашда уни чиқариш, ёзиш ҳамда синтез қилиш имконияти бор турли дастурий таъминотлар ишлатилади;

интерактив электрон ўқув курс ва интернетнинг керакли захиралари орасидаги алоқаларни ўрнатиш учун гиперматнли йўналишлар яратиш зарур. Бу жуда оддий амал бўлиб, Word редакторининг “вставка”, “гиперссылка” менюсининг “добавления гиперссылка” инструментал панелида амалга оширилади. Гиперматнни

кўшиш учун даставвал керакли сўз, ибора ва бошқа объектларни ажратиб олинади. Алоқа ўрнатилаётган файл яратилган каталогда бўлиши шарт;

яратилган матнни HTML форматига ўтказиш учун “файл” менюсидаги “сохранить как” режимида файл типини “HTML документ” номини ўрнатиб, сақлаш керак. Бу амал натижасида *.html файли ҳосил бўлади. Натижада матннинг ичида ёзилган формулалар автоматик равишда *.jpg форматли файл режимига айлантирилади.

Умуман олганда интерактив электрон ўқув курс маълум фан бўйича тўла ўқув материални қамраб олиши керак. Бунда маълумотлар тез излаб топилади, ўқиш учун қулай бўлади. интерактив электрон ўқув курсда маълумотлар тугалланган фрагмент шаклида бўлиши, оддий дарсликлар ўзлаштирилиши қийин бўлган ҳолатлар видеоэлементлар орқали ифодаланиши лозим. Дарсликларда маълумотлар ишончли, сифатли, қизиқарли ва тартибли баён қилиниши лозим. Мукамал қилиб яратилган интерактив электрон ўқув курслар масофадан туриб ўқитишда муҳим восита ҳисобланади. Зеро, келажакда масофадан ўқитиш таълим тизимидаги энг асосий янги педагогик технологиялардан бири бўлиб қолади. Ўқув жараёнларига замонавий ахборот технологияларини, мультимедиа тизимларини тадбиқ қилиш ва масофавий тизимни ташкил этишда интерактив электрон ўқув курсларни яратиш катта аҳамиятга эгадир.

Интерактив электрон ўқув курс яратишда қўйидагиларга эътибор бериш зарур:

мавжуд белгиланган фаннинг мавзулари ва материалларни олдиндан тузилган ҳамда тасдиқланган намунавий ва ишчи дастурларга мослиги;

ҳар бир мавзу материаллари етарли ва тўла қонли тарзда ёритилиши, ҳамда мос ҳолда керакли график тасвирлар, анимациялар, жадваллар билан тўлдирилган бўлишлиги;

ҳар бир мавзу ёки бўлим материалларини ўзлаштириш жараёнида ўз билимини назорат қилиш учун назорат саволларини берилиши, шу билан бирга ҳар бир боб учун тест саволлари бўлиши ва унга жавобларни киритилиши. Агар тест синовлари ўтказиш жараёнида ижобий жавоб олинса навбатдаги бобга ўтиш учун рухсат берилишини ташкил қилиш, акс ҳолда китобни ўқишни давом эттира олмаслигини таъминлаш;

белгиланган мавзу ёки бўлимдаги асосий таянч сўз ибораларини ажратиб кўрсатилиши ва уларга зарурий ҳолатларда кўпроқ маълумот олиш учун ишоралар (гиперссылка) ўрнатиш;

интерактив электрон ўқув курс яратишни бир неча технологияларини ишлаб чиқиш ва кўрсатиш мумкин.

Энг оддий ва қулай вариантдан бири қўйидагича бўлиш мумкин.

1) Танланган предмет бўйича билим ва мавзу материалларини Microsoft Word матнли муҳарририда киритиш ва таҳрирлаш.

2) Мураккаб график тасвирлар ва чизмаларни сканер ёрдамида компьютер хотирасига кўчириш.

3) График, видео тасвирларни ва турли чизмаларни тегишли саҳифаларга жойлаштириш.

4) Ҳар бир предмет мавзуларини алоҳида файл ва саҳифалар тарзида ташкил этиш.

5) Бош саҳифани яратиш ва унда мундарижа орқали мавзуларга муурожаат этиш учун ишораларни (гиперссылкаларни) ўрнатиш.

6) Объектли, визуал дастурлаш тилларидан бирида тест дастурини тузиш ва уни асосий саҳифага боғлаш.

7) Тест саволлари ва жавобларини киритиш ҳамда уни алоҳида файлда сақлаш.

8) Тайёрланган интерактив электрон ўқув курсни ишлатиш ва текшириш.

Бизга маълумки, масофавий тизимни ташкил этишда асосан интернет тармоғиданадабиётлар HTML структурадаги файллардан ташкил топган бўлиши зарур. Ҳозирги кунда HTML тилини билмаган ҳолда WEB саҳифаларни яратувчи дастурлар ишлаб чиқилган. Масалан FrontPage дастурини олишимиз мумкин. Мураккаб анимацияларни ҳосил қилиш учун Macromediya Flash дастуридан фойдаланилади. Movie Maker дастури ёрдамида видео тасвирларни монтаж қилиш мумкин.

Демак, таълим сифатини оширишда узлуксиз таълим тизимида шубҳасиз интерактив электрон ўқув курс яратиш ва уларни юқорида баён этилганидек ўқув жараёнига тадбиқ этиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирда масофали таълим ҳам оммавийлашиб бормоқда. Маълумки масофали таълим ўқитувчи билан талаба ўртасидаги мулоқот компьютер, телекоммуникация тармоқлари орқали амалга оширилади. Бу жараёнда талаба ўзи ечган масала ва топшириқларни интернет тармоғи ва электрон почталар орқали ўқитувчига жўнатиш имконига эга бўлади. Бу жараён Республикамизда кенг йўлга қўйилса, катта иқтисодий самарадорликка олиб келиши мумкин. Шу боис, таълим тизимида сифат ва самарадорликка эришишимиз учун Республикамизнинг барча олий ўқув юртларида интерактив электрон ўқув курс ва ўз навбатида масофали таълим, масофали ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш асосий долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Тайлақов Н.И. Узлуксиз таълим тизими учун информатикадан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг илмий педагогик асослари. Монография. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат нашриёти, 2005. – 160 б.

2. Тайлақов Н.И. Электрон дарслик яратишга қўйиладиган талаблар □□Халқ таълими. –2005. –№2. –Б.17–20.

3. Усмонов М. Проблемы создания интерактивных электронных учебных курсов на основе мультимедийных технологий. Педагогический науки №6 (51) 2011 ИССН 1728-8894 Россия. “Спутник”. 2011. 138-140 с.

4. Усмонов М. Узлуксиз таълим тизимида интерактив электрон ўқув курслар яратиш ва ундан фойдаланиш методикаси. Узлуксиз таълим илмий-услубий журнал. 4-сон 2012 йил. Тошкент. 2012. 40-45 бетлар. фойдаланилади. Шу мақсадда тайёрланадига электрон ўқув